Пайгамбар алайхиссалом вафотларидан бери энди олти ой ўтган эди.
Хазрат Фотима хасталаниб колди…
Хижратнинг ўн биринчи йили, рамазон ойининг иккинчи куни, душанба эди…
Шу пайтгача ора-сира касал бўларди, аммо бу сафаргиси уларга ўхшамади.
Яхши-ёмон кунларида уни ёлгиз колдирмаган хўжайини яна ёнида эди.
– Болаларни олиб ташкарига чиксангиз, яхши бўларди…
Паст овозда айтилган бу жумла хазрат Алининг юрагини тилкалади. Уни хафа килмаслик учун ўзини тушунмаганликка олди. Болаларини онасига якинлаштирди.
Хазрат Фотима уларни бирма-бир кучиб эркалади. Сўнг хазрат Алига имо килди. Юраги эзилиб, болаларини ташкарига чикарди. Асмо бинти Умайс билан Умму Рафиъ киришди.
– Менинг ювинишим учун сув тайёрми, онажон?
– Ха.
Хазрат Фотима Умму Рафиъни «онажон» дерди. Чунки бу аёл унга доим оналик килиб келганди.
– Менга сув куйиб турасизми, онажон?
– Албатта, кизим.
Хазрат Фотима яхшилаб ювинди, аёллар ёрдамида энг яхши либосини кийди.
– Тўшагимни хона ўртасига солинглар.
– Хўп.
Аёллар ишларни бажаришаркан, нима юз бераётганини англаб, жуда изтироб чекишарди.
– Мени ёткизинглар. Юзимни киблага каратинг.
– Хўп.
– Энди мени ёлгиз колдиринг!
– Аммо…
– Илтимос.
– Аммо…
– Роббимга дуо ва илтижо килмокчиман.
– !..
Дуо ва илтижога шунчалар берилиб кетдики, жони кандай чикиб кетганини хам билмай колди.
Овоз чикмай колганидан хавотирланиб уйга кирганлар хазрат Фотиманинг вафот этганини кўришди.
Шум хабар бир зумда бутун Мадинага таркалди.
Пайгамбар алайхиссалом кизи хам бу ёлгон дунёни тарк этганди.
Энди йигирма саккиз ёшга кирганди…
Бир фарзанди гўдак чогида вафот этганди.
Ортида кўзлари ёш хўжайини ва беш фарзанди колганди.
Пайгамбар алайхиссаломнинг кенжа кизлари, хазрат Алининг суюмли завжаси хазрат Фотима вафот этганида Хасан саккиз, Хусайн етти, Умму Гулсум беш, Зайнаб уч, Рукийя икки ёшда эди. Хазрат Фотиманинг кабрига бокаркан, хазрат Алининг ёдига аёл вафотидан бироз олдин айтган гаплари тушди:
– Эй Али, вафотимдан сўнг уйланинг. Акс холда, сиз хам, болаларим хам кийналиб коласизлар. Аммо уларни ўгай она кўлида хам колдиргим келмаяпти. Шу боис опам

Зайнабнинг кизи Умомага уйланинг.
Гулларнинг гули бирма-бир дунёни тарк этишганди. Илохий такдир шундай эди. Зотан, одамзотнинг кисмати шу эди. Бири келади, бири кетади…
Киёматгача давом этади бу хол…
Аввал хазрат Рукийя…
Сўнг хазрат Зайнаб…
Хазрат Умму Гулсум…
Ва охирида хазрат Фотима…
Гулларнинг гуллари энди бокий дунёда яшаяжак эди. Ва севганларнинг кўнгилларида…
Улар гулларнинг гуллари эди.
Пайгамбар алайхиссалом булбуллари эди.
Буни билган, кўрган англар.
Курбон бўлсин унга жонлар.

"Гулнинг гуллари" китобидан таржима